



УДК:636.6.08:631.15(378.245)

**ПАРРАНДАЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Абдурахмонов Нурбек Аззам ўғли,**  
*“ТИҚХММИ” МТУ талабаси*  
Тел: +998 93 832 44 42

**Аннотация.** Ушбу мақолада, паррандачиликка ихтисослаштирилган инновацион ресурслар салоҳиятига, паррандачиликда инновацион бошқарувга, инновацион жараёнларни баҳолашга, паррандачиликда илмий-техник жараёнларга, паррандачиликда инновацион салоҳиятини ва инновацион ривожлантириш концепцияларига тўхталиб ўтилган.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы о ресурсном и инновационном потенциале специализированных отраслей птицеводства, об инновационном менеджменте в птицеводстве, об оценке реализации инновационного процесса, научно-технического прогресса в птицеводстве, о концепции инновационного развития и задачах инновационного потенциала птицеводства.

**Annotation.** The problems about resource and innovation potential of the specialized branches of the poultry industry, innovation management in the poultry industry, the assessment of the implementation of the innovation process, scientific and technical progress in the poultry industry, the concept of innovative development and objectives innovative potential of the poultry industry are observed in this article.

**Калитли сўзлар:** Паррандачилик, инновация, концепция, инновацион менежмент, инновацион фаолият, инновацион жараён, инновацион инфратузилма, инновацион салоҳият, инновацион муҳит, инновацион иқтисодиёт, инновацион лойиҳа.

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришлар бўлмоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг ҳарид қобилияти муттасил ўсмоқда фуқороларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда. Бунда саноат корхоналарини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш ва ишлаб чиқаришда халқаро сифат менежмент тизимини жорий этиш асосий мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

XXI асрнинг бошига келиб, инсоният янги парадигма, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда мамлакатлар ўз инновацион ишлаб чиқариш концепциясига ўтиши зарур деган хулосага келинди[2]. Илмий манбаларда келтирилишича, инновацион фаолият билан боғлиқ муаммоларни биринчилар бўлиб ўрганган олимлардан бири Й. Шумпетер ҳисобланади. У



инновацион ўзгаришларни корхоналар нуқтаи назаридан ишлаб чиқаришни янги техника ва технологик жараёнлар асосида таъминлаш эвазига бозорларга чиқиш; янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот турларини яратиш; янги хомашёлардан фойдаланиш; ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва янги инновацион товарлар билан таъминлаш; янги истеъмол бозорларини очиш йўналишларига ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди[3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, паррандачилик тармоғида инновацион концепцияга эҳтиёж паррандачилик корхоналарининг ташқи ва ички муҳитнинг ўзгариб бораётган шароитларига мослашиш зарурияти келиб чиқади.

Иқтисодий фанда инновацион менежмент инновацион жараёнлар, инновацион фаолиятни бошқаришнинг принциплари, усуллари ва ташкилий шакллариининг мажмуаси сифатида, ижодий потенциални, янгиликларни татбиқ этишни, янгиликларнинг ижтимоий ва психологик аспектиларини бошқаришни ўрганеди.

Янгиликлар механизмини шакллантиришда паррандачилик корхонасининг барча хизматлари ва таркибий бўлинмалари ишлатилиши керак.

Инновацияларнинг амалий ҳаракатга келтирилишининг татбиқ этиш жараёни иштирокчиларининг интеграцияси ва координациясини кўзда тутеди. Концептуал структуралашнинг муҳим шарти бу инновацион жараённинг барча босқичлари ўзаро боғлиқлиги бўлиб, бунда улар белгиланган мустақилликка эга бўлади. Бир босқичнинг мақсадга эришуви кейинги босқичнинг сифат жиҳатдан янги мақсади шаклланишини шартлайди. Инновацион маҳсулотни истеъмол қилиниши яқунловчи босқич ҳисобланади.

Шундан келиб чиқадики, паррандачилик корхоналарининг инновацион ривожланиши Концепциясининг принципаал қоидаларини ишлаш уларнинг ишлаши самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши керак. У нафақат худудларнинг ресурс имкониятларига, балки фаолиятнинг инновацион ҳарактерига, ишлаб чиқариш жамосининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигига ҳам боғлиқ.

Паррандачилик корхонасининг инновацион мақсадларини шакллантириш ва амалга ошириш биринчи навбатда, инновациялар банкидан унинг учун муҳим бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишларини ажратишни назарда тутеди, бу унинг парранда маҳсулотлари бозоридаги рақобатчиликнинг афзалликларига эришиши ва ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишни белгиловчи шарти сифатида чиқади.

Паррандачилик маҳсулотлари ва соҳага етказиб берилаётган ишлаб чиқариш маҳсулотлари нарҳларининг нисбатига давлат таъсирини конкурсли асосда, етказиб берувчи ташкилотлар рақобатчилиги ва саноат корхоналари маҳсулотига чекланмалар қўйиш; паррандачилик корхоналари ва моддий-



техника ресурсларини етказиб берувчилар, шунингдек, савдо тармоқлари ўртасида шартномали алоқалар механизмини бошқариш йўли билан амалга ошириш керак.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлашни мамлакатдаги паррандачилик тармоғини самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши деб ҳисоблаш мумкин. Паррандачилик корхоналарининг прогрессив ғоялар ва илмий янгиликлардан оммавий равишда амалда қўллаш кераклигини янада чуқурроқ етказиш лозим. Шу мақсадларда янгиликлар ва янгиликларни татбиқ этиш учун соҳа илмий-тадқиқот муассасаларини, давлат ва бошқа илмий марказларини янада кенгроқ жалб этмоқ зарур. Юқори технологияли маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар экспортини қўллаб-қувватлаш дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш лозим

Техник ва технологик ривожланишнинг узоқ муддатли прогнозлари асосида соҳа иқтисодиёти рақобатчилик позицияларини кўтаришни амалга ошириш вазифалари билан боғланган амалий ва фундаментал фанлар, техника ва технологияларнинг муҳим йўналишларини мунтазам аниқлаб туриш керак.

Мамлакат паррандачилида юқори илмий-тадқиқот потенциалининг мавжудлиги юқори сифатли маҳсулотлар, янги авлод озуқа компонентлари ва техник воситалари бозорида селекцион-технологик пешқадамликни таъминлаш учун зарур шароитларни яратади.

Илимий-техник маҳсулот бозори иштирокчиллари орасидаги ўзаро ҳаракатнинг кучайтирилиши соҳада қўшимча иқтисодий самара олиш мақсадини кўзлайди. Ҳар қандай янгиликнинг самарадорлигини бозор белгилаши сабабли паррандачилик корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари инновацион лойиҳаларнинг катта доирасидан энг самарали ва юқори талабгирликка эга бўлган янгиликни танлаш имкониятига эга бўлмоқликлари керак. Илмий-тадқиқот тажриба ишлари натижаларини ўзлаштиришда истеъмолчи корхонанинг инновациялардан олмоқчи бўлган манфаатларини, уларни амалда қўлланилишини тўлиқ англашига аҳамият бериш керак. Инновацион фаоллик билан контекстда фан, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг кафолати сифатида намоён бўлади.

Паррандачилик иқтисодиётининг структурали диверсификациясини ўтказиш маҳсулот истеъмолчилари томонидан қўйилган талабларга уддабуронлик билан жавоб қилишни кўзлайди. Шу сабабли, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда соҳа корхоналарининг Ўзбекистон ва чет эл ускуналарини етказиб бериш асосида ташкилотларни қайтадан техник-технологик жихозлаш; қишлоқ хўжалиги паррандаларини кўпайтириш, боқиш ва сақлаш бўйича янги технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун илмий-тадқиқот муассасаларини жалб қилиш; қайта ишлашни ташкиллаштириш, паррандачилик маҳсулотлари ассортиментини ва чиқиндисиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқалар. Мамлакатда



парранда гўшти ассортименти ва ресурсларини кенгайтириш учун курка, ғоз, ўрдак, бедана, цесарка ва туяқушларни етиштириш ҳамда боқиш учун асбоб-ускуналар комплектини ишлаш зарур. Натижада мамлакатда чиқарилган маҳсулот импорт билан солиштирилганда нафақат абсолют рақобатбардошликка эга бўлади, балки чет эл давлатларига экспорт қилиш потенциали сифатида ҳам намоён бўла олади.

Паррандачилик корхоналари учун чет эл жихозлари ўрнига ўз жихозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши керак, бу нарса берилган йўналишда ишларни фаоллаштиришни нафақат қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими орқали, балки жойларда ҳам амалга оширишни назарда тутди.

Техника ва технологияни такомиллаштириш даражасини баҳолашда улардан фойдаланиш прогрессивлиги ва самарасини таъминлаш, инновацион қарорларнинг биологик омил-паррандачилик маҳсулотининг миқдори (тухум ёки парранда тирик массасининг ортиши) сифати ва парранда бошининг сақланиши бўйича ишлаб чиқариш омилига таъсирини ҳисобга олиш керак.

Янги техника ва технология афзалликларини ҳисоблашда ишлаб чиқариш биноларининг, сотиб олинган ва алмаштириладиган ускуналар габаритларини; янги ва алмаштириладиган ускуналар қувватини; технологик ускунанинг янги ва дастлабквариантларида парранда бошининг сифимлилиги; тухум етиштиришнинг ортиши (тирик массанинг ортиши); маҳсулот сифати ҳолати ва динамикаси; бинолар ва ускуналар нарҳини ҳисобга олиш керак.

Янги қурилиш билан солиштирилганда реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг афзаллиги ишлаб чиқариш ҳажмларининг кенгайтирилиши ва паррандачилик маҳсулотларини энг кам меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар сарфлаб ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини умумий ошириш учун имкониятлар яратиш билан шартланади.

Паррандачилик маҳсулотининг таннарҳи структурасида озуқа нарҳи 70% ни ташкил этганини ҳисобга олинса, озиклантиришдаги камчиликларни камайтириш масаласи бундан кейинги ечимга муҳтож. Озуқаларни ишлаб чиқаришда премикслар муҳим ўрин тутди, уларнинг таркибида витамин препаратлари, микроэлементлар тузлари, аминокислоталар, ферментлар, пробиотиклар ва бошқа биологик фаол моддалар мавжуд. Бу мақсадларда қуйидагилар зарур:

-ҳаражатларнинг ҳар қандай турини минималлаштирган ҳолда юқори сифатли озуқа ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотларни кенгроқ ташкиллаштириш;

- маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги, ҳаражатларнинг минималлаштирилгани ва парранда тухуми ва гўштини ишлаб чиқаришда озуқаларнинг нарҳи бўйича жаҳон талабларига мос келадиган озуқа, премикс ва бошқа заводларни қурилишини рағбатлантириш;



- паррандининг ёши, маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатига боғлиқ равишда унинг озиқлантирилишини тўлиқ қимматга эгаллигини таъминлаш;
- парранда учун мамлакатда ишлаб чиқарилган оқсилли ва витаминли-минералли биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришни кенгроқ ташкиллаштириш;
- паррандачилик ва чорвачилик тармоқлари эҳтиёжлари учун янги авлод озуқа моддалари ишлаб чиқаришга қўмаклашиш;
- қимматли озуқа моддалари ва микроэлементлар билан бойитилган паррандачилик маҳсулотларига бўлган талабни стимуллаш;
- паррандачилик иқтисоди, уни боқиш ва озиқлантириш соҳасида интеллектуал хусусий мулк ва профессионал билимлар тизимини ривожлантириш.

Паррандачилик корхоналарининг кўп қисмида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, савдо бозорларини кенгайтириш муаммолари долзарблигича қолмоқда, бу инновациялар маркетингини фаоллаштиришни шарт қилиб қўяди. Инновациялар маркетинги концепциялари- бозорни ўрганишнинг ва корхона инновацион стратегиясини излашнинг асосидир. Инновацион маркетинг комплекси инновацион стратегия ишлашни, бозор таҳлилини, оператив маркетингни, паррандачилик маҳсулотларининг рақобатчилик параметрлари талаб даражасини таъминлашни, маҳсулот сифати ва хавфсизлигини оширишни, молиявий маблағлар ва бошқа маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, парранда маҳсулоти нарҳининг хамёнбоплигини ўз ичига оладики, бу янгиликларнинг парранда тухуми ва гўштининг бозорга кириб бориш стратегиясини кўзлайди.

Инновацион маркетингнинг дастлабки шarti паррандачилик корхоналари (интеграцияланган ташкилотлар) фаолияти доирасида паррандачилик маҳсулотлари бозорида инновациялар ролининг ортиб бориши ҳисобланади.

Инновацион маркетинг натижалари харидорнинг паррандачилик маҳсулотидан қониққанидагина самарали ҳисобланади.

Паррандачиликда рақобатбардошликни миллий хавфсизликнинг омили сифатида кўриш керак. У корхоналарнинг техник, технологик, ташкилий-иқтисодий ҳарактердаги янгиликларга таъсирчанлиги; истеъмолчиларга керак бўлган ва бозор эҳтиёжларини қондира оладиган маҳсулотларнинг янги турларини доимий равишда излаш; истеъмолчиларни сақлаб қолиш мақсадида бозор нарҳларида янада юқори сифат ва хавфсизликка эга бўлган маҳсулотни ўзлаштиришга интилиши; ижодий ҳарактердаги товарлар, маблағлар, технологиялар ва ишчи кучининг анъанавий бозорини, балки соҳа бошқаруви, инновацияларни қўллаб-қувватлаш, инсон потенциалини ривожлантириш тизимларини ҳам қамраб оладиган ишлаб чиқариш меҳнат ижара ёнида ишлаб чиқаришнинг даромадлилигини оширишга интилиши билан ҳарактерланади.



Рақобатчилик асослари ривожланишининг даражаси талаб-таклиф ривожланишининг даражаси билан белгиланади

Янги паррандачилик маҳсулотининг рақобатбардошлигини ортиши қуйидагилар билан шартланади:

– маҳсулот сифати ва хавфсизлигининг халқаро ва миллий стандартларга, корхона стандартларига мувофиқлиги;

– сифатнингбир хил даражасиданарҳнингганчапастлиги;

– истеъмолчининг «аниқмуддатга» принципи имкониятларига ишончи.

Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги нафақат экспортга, балки ичкибозордаги чет эллик маҳсулот етказиб берувчилар билан муваффақиятли рақобатчилик қилишига ҳам қўмаклашиши лозим.

Стандартлашни, ҳалол рақобатчиликни ва инновацияларни татбиқ этишни ривожлантириш, савдодаги маҳсулот барьерларини пасайтириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги даражасининг оширилишига қўмаклашадиган, истеъмолчилар манфаатлари, атроф-муҳит ҳимоясини ва барча турдаги ресурслар иқтисодини таъминловчи давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати сифатида қабул қилиш лозим.

Стандартлашнинг соҳа тизимини ривожлантириш стратегиясининг асосида қуйидаги принциплар ётади: Миллий стандартлардан фойдаланишнинг ихтиёрийлиги; халқаро стандартлардан соҳа стандартларини ишлашнинг асослари сифатида қўллаш; паррандачилик маҳсулотлари харидорлари талабларини максимал ҳисоби; фойдаланувчилар учун соҳа стандартлари ва ахборотнинг прогрессивлиги ва ҳаммабплигини таъминлаш; барча манфаатдор томонларнинг соҳа стандартларига киритилган талабларни англашларининг бирхилда бўлиши; соҳастандартлари талабларининг прогрессивлиги ва оптималлиги; соҳа стандартлари талабларини маҳсулот тайёрловчи ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада қўлланилиши.

Паррандачилик корхоналарида стандартлашни ривожлантиришда давлат масалаларини ҳал этиш ва давлат ролини ошириш учун стандартлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўртача муддатли истиқболга белгилаб олиш ва ишлаб чиқаришдаги соҳа стандартларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Сифат ва хавфсизликни стандартлаш бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда стандартлаш бўйича экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишнинг аниқ тизимини шакллантириш лозим; кадрларни профессионал тайёрлаш дастурларининг, шу жумладан, профессионал таълим муассасалари ўқув режаларини коррекциялаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мутахассислар стажировкаси дастурларини биргаликда ташкиллаштириш самарадорлигини ошириш зарур.



Паррандачиликда кадрлари потенциалининг яратилиши, ҳар бир раҳбар ва мутахассис қобилиятларини ривожлантириш учун рақобатчиликда ташкилотнинг устунлигини таъминлаб берадиган қулай шарт-шароитлар яратиб беришни, меҳнат капиталининг рақобатбардошлигини оширишни кўзда тутади.

Шундай қилиб, паррандачилик корхонасидаги инновацион фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича янгиликларни комплекс тадбиқ этиш муаммоларининг кенг доирасини: техник, технологик, маркетинг ва бошқалар, шунингдек, уларга йўлдош бўлган ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг ташкилий шакллари ҳал этишни органик боғлайди.

Инновацияларнинг мақсадли амалга оширилиши парранда маҳсулотлари бозорида рақобатчиликдаги устунликка эришиш, умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг белгилловчи шарти сифатида чиқади.

Инновацион ривожланиш концепцияси барча инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва паррандачилик корхоналарида инновацион потенциалнинг ривожланишини кўзда тутади. Ўзбекистоннинг Бутун жаҳон савдо ташкилотига кириши савдо бозорларини кенгайтириш имконини беради, аммо бунинг учун маҳсулот сифатининг юқори даражасини таъминлаш ва қатор мамлакатларда Ўзбекистондагига нисбатан анча қаттиқ бўлган

технологик ва ветеринария талабларидаги номувофиқликларни бартараф этиш зарур. Техник, технологик, ташкилий ва бошқа инновацияларни татбиқ этишнинг самараси мамлакат паррандачилигини узоқ муддатли иқтисодий ўсишининг мустаҳкам пойдеворидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мильнер Б.З. Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. – Москва: Инфра-М, 2010. – С.123.
2. Rakhmataliev.M.E. Current status and investment power of investment in poultry development in Uzbekistan. International Journal For Innovative Engineering and Management Research Volume 10, Issue 03, 2021 Pages: 483-485